



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAXSUS  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**



**БУЙРУҒИ**

**“Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон “Олий таълим муассасасида сиртки (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 11 июндаги 1-2015-сон “Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 2686, 2015 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 325-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И.Маджидов

Тошкент ш.,  
2018 йил “ 5 ” июль  
11-2018-сон



Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2018 йил 5 июл даги 11-2018-сон буйруғига  
ИЛОВА

**“Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига  
топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 4-иловалардаги “кундузги, махсус сиртки” деган сўзлар “кундузги, махсус сиртки, сиртки, кечки” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 2 ва 5-иловалардаги “kunduzgi, maxsus sirtqi” деган сўзлар “kunduzgi, maxsus sirtqi, sirtqi, kechki” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 3 ва 6-иловалардаги “очную, специальную заочную” деган сўзлар “очную, специальную заочную, заочную, вечернюю” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

**Келишилди:**  
**Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги**  
**Давлат тест маркази директори**



**М.Каримов**

Тошкент ш.,  
2018 йил “ 4 ” ИЮЛ